

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишени тугатиш тўғрисида)

2025 йил август ойининг 11 куни, Жиноят ишлари бўйича Нишон туман суди, Нишон туманидаги “Пахтакор” маҳалласи биносиди, очик сайёр суд мажлисида, шу суднинг раиси А.Қаҳҳаровнинг раислигида, судья ёрдамчиси Т.Амировнинг котиблигида, тарафлардан: давлат айбловчиси Нишон тумани прокурорининг катта ёрдамчиси А.Чуллие, вояга етмаган жабрланувчи ХХХ ва унинг қонуний вакили отаси ХХХ, гумон қилинувчи ХХХ ва унинг ҳимоячиси-адвокат У.Юлдашевнинг иштирокида,



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 111-моддаси 2-қисми билан гумон қилинувчига оид 1-1813-2501/78-сонли жиноят ишени кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Тергов органи ҳужжатларига кўра, ХХХ 2025 йил 30 май куни соат 16:30ларда, Қарши тумани, “Боғобод” маҳалла фуқаролар йиғини, Узуннаво кишлоғи ҳудудида жойлашган “ЕРА” МЧЖга тегишли бўлган омборда ўт ўрувчи аппаратнинг темирдан ясалган дастагини ҳазиллашиб қўли билан айлантираётган вақтида, дастак қўлидан чиқиб кетиб, шу ерда ўтирган вояга етмаган [REDACTED]нинг бош қисмига тегиши натижасида, ХХХга эҳтиётсизлик оқибатида оғир тан жароҳати етказилишига сабабчи бўлган.

Суд мажлисида вояга етмаган жабрланувчи ХХХ ва гумон қилинувчи ХХХлар ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишени ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашди.

Гумон қилинувчи ХХХ суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқроп эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишени тугатишни сўради.

Вояга етмаган жабрланувчи ХХХ қонуний вакили-отаси ХХХ иштирокида суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, гумон қилинувчи ХХХга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишени тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 111-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни



содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса, етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, вояга етмаган жабрланувчи ХХХ ва гумон қилинувчи ХХХларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб чиқиб, Нишон тумани прокурорининг катта ёрдамчиси А.Чуллиев ва ҳимоячи У.Юлдашевларнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумон қилинувчининг айбига ихтиёрий иқрорлиги ва жабрланувчининг даъвоси йўқлигини, жабрланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув жабрланувчи ва гумон қилинувчининг ўз хоҳишлари билан бўлаётганлигини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 111-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инobatга олиб, ХХХга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд, жабрланувчи вояга етмаган ХХХга қонуний вакили отаси ХХХнинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 111-моддаси 2-қисми билан гумон қилинувчи ХХХга нисбатан бўлган жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Вояга етмаган жабрланувчи ХХХга етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлиги инobatга олинсин.

Вояга етмаган жабрланувчи ХХХ ва унинг қонуний вакили-отаси ХХХга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқлари йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан тарафлар ажрим эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, гумон қилинувчи, вояга етмаган жабрланувчи ва қонуний вакили ажрим нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида, Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

А.Қаҳҳаров

